

3. Шартнома суммаси ва уни тўлаш тартиби

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 350 000 / 42 юз эллек сумни ташкил қилади.

3.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб-китоб рақамига умумий сумманинг қолган қисми ҳақиқий кўрсаткичларида олдиндан ҳақ тўлайди. Умумий сумманинг қолган қисми ҳақиқий кўрсаткичларида олдиндан ҳақ тўланади. ҚҚС ҳисобланмайди.

3.3. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ амалдаги тариф асосида тақдим этилган хизматларга фактурага асосан жорий ойнинг 10-кунигача тўланади. Кўрсатиладиган хизматларга тасдиқланган тариф шартномага илова қилинади.

4. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. «Бажарувчи» жўнатмаларни қабул қилиб олинган пайтдан улар олувчига топширилган пайтгача жўнатмаларнинг сақланишини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. «Бажарувчи» «Буюртмачининг» жўнатмаларини, олувчилар жойида бўлган, кўрсатилган манзилдан кўчиб кетмаган, олувчилар бозорлар, савдо комплекслар ёки турар жойларда (уйларда) жойлашмаган ҳолларда, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоят марказларигача 72 соат мобайнида етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади, дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно.

4.3. Тарифлар ўзгарган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га янги тасдиқланган тарифларни ўз вақтида юбориш ва кўрсатилган хизматлар учун янги тарифларга биноан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4. «Бажарувчи» «Буюртмачи» дан қабул қилаётган жўнатма ностандарт, яъни қатта, оғир ёки шубҳали бўлган ҳолларда жўнатмани «Буюртмачи»нинг вакили иштирокида очиб кўриш ҳуқуқига эга.

4.5. «Бажарувчи» заруриятга кўра «Буюртмачи»дан «Бажарувчи» орқали юбориладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ёки тегишли органлар томонидан расмийлаштирилган мазкур жўнатмани олиб чиқишга руҳсатнома талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

4.6. «Бажарувчи» етказиб бериладиган жўнатмаларни кўриклаш тартибини, шунингдек юбориладиган жўнатмаларни турлари ва чекланган нормаларини ишлаб чиқиши ва белгилаши ҳамда ташишларнинг навбатма-навбатлигини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

5. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. «Буюртмачи» «Бажарувчи» орқали юбориладиган махфий жўнатмаларни Ўзбекистон Республикасининг махфий иш юритиш талабларига мувофиқ расмийлаштиришга мажбурдир.

5.2. «Буюртмачи» махфий бўлмаган пакетдаги жўнатмаларни халқаро почта стандартларига мувофиқ расмийлаштириши шарт (конвертнинг чап юқори бурчагида: жўнатувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, республика; конвертнинг ўнг қуйиқисмида: олувчининг номи, унинг манзили, шаҳар, давлат, телефон), манзил кўрсаткичидан олдин «Қаердан» ва «Қаерга» («Кимга») сўзларини ёзиши керак.

5.3. «Буюртмачи» манзилга оид маълумотларни ва пакетлардаги бошқа ёзувларни ёзув машинкасида босма ҳолатда, сиёҳ ёки шарикли ручка билан аниқва тушунарли қилиб (сиёҳ ёки паста қора, кўк ёки бинафша рангда бўлиши керак) ёзиши шарт. Олувчининг манзили қисқартирилмасдан ёзилиши зарур.

5.4. Пакетнинг орқа томонига «Буюртмачи» конверт елимланган чизик бўйича барча копоқларда ўзининг мастика муҳри отгискини қўйиши шарт. Пакетли жўнатмалар Ўзбекистон Республикаси бўйича 5кг 11*15 см 15*25 см 25*35 см дан ошмаслиги лозим. Қоғозли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмалар 20 кг гача бўлиши керак. Қопли юкли жўнатмаларни чекланган оғирлиги 10 кг. Бўлинмайдиган яхлит жўнатмаларники 20-25 кг гача бўлиши лозим.